



БИСМИЛЛОХИР-РАХМОНИР-РАХИМ

Чу йўндум хомаи мушкин шамома,
Килай деб Хак оти бирла зебнома.

Таололлах зихи, халлоки Маъбуд
Ки, махлукот андин бўлди мавжуд.

Йўк эрдин хар не бор ул килди изхор,
Борин йўк айлабон хам бўлгуси бор.

Килиб бархак улуска анбиёси,
Мухаммад барчасининг пешвоси.

Мунга юз минг салом андин дамодам,
Яна авлодию асхобига хам.

КИТОБ НАЗМИНИНГ САБАБИ

Килур арз ушбу водий рахнамои,
Гариби бенаво, яъни Навоий

Ки, чун офок шохи давлатидин,
Анинг хам тарбият, хам химматидин.

Не шох Султон Хусайн, ул шохи Гозий,
Мамолик шахларининг сарфарози.

Ки, минг йил олам ичра шохи бўлсун,
Салотин бандан даргохи бўлсун.

Менинг назмим ёйилди олам ичра,
Кўп офат солди хайли одам ичра.

Биров бир кун деди айлаб нишоте
Ким, ул килмиш бино олий работе.

Мусофирга хар уй бир турфа манзил
Ки, хам орому хам ком анда хосил.

Эшиттим базмининг бир нуктадони,

Шохи сохибкирон жон дармиёни.

Демиш: не суд гар бир уйни тузмиш
Ки, назми шайнидин кўп уйни бузмиш,

Ўкугон эл анинг шеърини пайваст,
Тилар бўлгай хамиша ошику маст.

Солиб ислому дин уйига ошуб,
Бинойи хайр буткармак не махсуб.

Тушуб бу нуктадин жисмим аро печ,
Чу билдим, чин эмиш дам урмадим ҳеч.

Дедимким, айлайн бир нусха мастур
Ки, бўлгай дину ислом уйи маъмур.

Неким, дин ахлига бўлгай зарурат,
Бари туткай ани билганча сурат.

Хам эткаймеи бурун шархи акойид
Ки, ислом ахлига бергай фавойид.

Яна хам фарз, хам вожиб, суннан хам
Неким ориз бўлур яхши, ёмон хам

Ки, дин ахлининг ўлгай дилназири,
Муслмонлиг ишида ногузири.

Баён килгаймен андок равшану пок.
Ки, идрок эткан они хайли атрок.

Ва лекин гохи ашгол эрди монеъ,
Гахи хар мухталиф хол эрди монеъ.

Анга тегруки, бу фурсатда ногох,
Бировким, эрди кўп маънидин огох.

Макому мавлиди онинг Самарканд
Ки, нузхат ичрадур фирдавс монанд.

Буён ўлмакка кишвардин етишти,
Суруши чархи ахзардин етишти.

Кўнгул майл айлаб онинг хидматига,
Мушарраф килдим ўзни сухбатига.

Бўлур эрди маонийдин гухарпош,
Сўз асносида бу навъ айлади фош.

Ки, бир кун Хожаеким чархи оли(й),
Хилолин истар онинг оти наъли.

Рашишда Шиблюю Зуннунга фойик,
Убайдуллох деб отин халойик.

Ким, улдур пешвойи ахли иршод,
Бу иршод этти сандин айлабон ёд.

Ким, ул кўп назм дерга бўлди рогиб,
Бу янглиг назм хам эрди муносиб.

Чу килди Хожанинг амрига тақрир,
Ул эрдиким, бурунрок бўлди тахрир.

Ки, мен дер эрдим айтай улча макдур
Вале монеъдин эрдим анда маъзур.

Чу сўрди Исо анфоси бу дамни,
Хам ул дам азмига йўндум каламни.

Бу сўзнинг сидку кизби ков-кови,
Адаб эрмас чу содик эрди ровий.

Чу лобуд нукталар малхуз бўлгай,
Умид улким, улус махзуз бўлгай.

Навоийдин чу топкайлар навое,
Анинг рухига хам етган дуое.

ШАРИАТДА АХКОМ ШАРХИ ВА АКОИД ВА КАВОИДИ АДОСИ

Бурун билким, эрур шаръ ичра ахком,
Ки, билмак они бўлмиш элга ноком.

Ул ахком икки янглиг бўлди мавжуд,
Ки, бордур хар бирида ўзга максуд.

Бирисидин мурод ўлди акида,
Амал матлуб бўлди ул бирида.

Акоид дедилар аввалгига исм,
Иккинчи ахком фаръидин топиб кисм.

Амалдин чун бурун келди акойид,
Пас, андин еткурай аввал фавойид.

ИЙМОН КОИДАСИНИНГ ИЖМОЛИ

Бурун ул нимаким, фарз этти Яздон.
Эрур окилга болиг бўлгач иймон.

Анинг маънисидур тил бирла икрор,
Кўнгул бирла инонмоглиг даги бор.

Тилар бўлсанг анга ўзни етурмак,
Бил олти нимага иймон кетурмак.

МЎМАН БИХИЛАРИНИНГ ТАФСИЛИ

Бурун бермак тонуглукким, Худованд,
Ки, не бордур анга мислих, не монанд.

Худоедур яраткан буду нобуд,
Ки, андин ўзга йўктур Тенгри мавжуд.

Яна билмак малоикники, Холик,
Яратибдур ибодатка мувофик.

Яна билмак китобин хам камохий,
Кадим ўлди даги бори илохий.

Яна хам анбиёга килмок икрор,
Ки, борин элга ирсол этти Жаббор.

Яна улким, бўлур койим киёмат,
Ки, кўпрак элгадур оху надомат.

Яна билмакдурур бемакру тазвир,
Ки, Хакдиндур ямон-яхшига такдир.

СЕККИЗ СИФОТУЛЛОХКИМ, АКОИД ДОХИЛИДУР

Яна секкиз сифатка муътакид бўл,
Алардин хар бирига кўргузай йўл.

Ким, ул секкиз эрур Хакнинг сифоти,
Ки, боридин муназзах килди зоти.

Эрур хайю алиму яна кодир,

Муриду хам самиъ ўлдиву нозир.

Такаллум васфига даги мувофик,
Яна ибод афъолига Холик.

Не бор анинг шарики, не вазири,
Не бор анинг сахими, не назари.

Не жавхар, не араздур, не маконда,
Не вокеъдур жихатда, не замонда.

Чу эрмас анга хеч ашё мушобих,
Анинг шаъниндадур: «Лайсака мислих».

Кадим ўлди каломи даги олам,
Эрур ходис дедим бу сўзни фафхам.

НЕЧАКИМ ХАК БИЛМАКИ АКИДАДИНДУР

Яна билким, акойид ичра мутлак,
Неча иш келди билмак керак хак.

Азоби кабр эрур куфр ахли хосий,
Яна дин ахлидин баъзи бўлса осий.

Яна икки малакнингдур саволи,
Яна хам руъятуллох эхтимоли.

Яна хак бир сироту, яна мезон,
Яна дўзах, яна фирдавси ризвон.

Шафоат анбиёдин хам эрур хак,
Мухаммад барчанинг сархайли мутлак.

Яна хак келди эъжоз анбиёга,
Анингдекким, каромат авлиёга.

Яна билгил акоид ичра махсуб,
Ки, бўлмас элдин амру нахй маслуб.

Яна куфр анлагил тасдики кохин,
Нечукким, Тенгридин маъюсу эмин.

ИСЛОМ АРКОНИНИНГ ШАРХИ

Ангаким, бўлди иймон амри кирдор,

Керак исломдин бўлса хабардор.

Биносин англагил исломнинг беш,
Ани билмакка бўлгил фикратандеш.

Бу бешдир – бир эрур лафзи «шаходат»,
Ки, айтурлар ани ахли саодат.

Эрур бир билмак ул Тенгрини аввал,
Мухаммадни анинг халкига мурсал.

Бу сўз иймон сўзида бўлди мазкур,
Акойид шархини айларда мастур.

Яна тўртин даги айтай яко-як,
Ки, мўмин хотирида колмасун шак.

Салоти хамс анинг иккинчиси бил,
Анинг шархини айлай эмди тафсил.

ТАХОРАТ ФАРОИЗИНИНГ АДОСИ

Эрур шарти анинг аввал тахорат,
Тахоратда сурай аввал иборат.

Тахорат ичра билким, тўрт эрур фарз,
Гар этсанг истимоъ, айлай ани арз.

Ю(в)мвглик юзни манглай то закандур,
Кулокдин то кулок важхи хасандур.

Махосин бўлса ончаким, ёпар юз,
Ани гусл айламак, эй ниятинг туз.

Ики кўлни ики тирсак била ю(в),
Вузу айларда билким, фарз эрур бу.

Яна бош масхини хам фарз билгил,
Валекин, тўрт улуштин бирни килгил.

Ю(в)мог ики оёгни фарз эрур хам,
Ики ошугни хам килмок анга зам,

ТАХОРАТ СУННАТЛАРИНИНГ ШАРХИ

Вузуъда ўн ики иш келди суннат,

Бирисин тасмия бил, бирни ният.

Ю(в)мог уч катла кўл тирсакка тегру,
Яна бир мазмаза уч катла хам бу.

Чу бўлди мазмаза килмок мукаррар,
Бил истиншоҳ хам мундок мукаррар.

Яна тахлил килмок лихияга зам,
Оёғ бирла илик бармоглари хам

Яна уч катла аъзони ю(в)мок бил,
Яна бошнинг тамомин масх килгил.

Яна тартиб, яъни улча тахрир,
Килинди берма лек анга тахйир.

Биров ул жумладин келди муволот,
Ю(в)мок, яъни паёпай узвни бот-бот.

ВУЗУЪ МУСТАХАБЛАРИ

Тахорат ичра олти мустахабдур,
Эшитсин хар киши ахли талабдур.

Бурун ният, яна билгил муволот,
Бори бош масхию тартиби одот.

Бўюн масхини даги мустахаб кил,
Агар килсанг саодатка сабаб бил.

Таяммундур бири, яъники бунёд,
Ю(в)мокка ўнг тарафдин килмок ирод.

ВУЗУЪ НОКИСЛАРИ

Ики ёндин неким дафъ этса тохир,
Тахоратнинг бўлур нуксони зохир.

Яна бир узвдин рийм окса ё кон,
Вузуга бор алардин даги нуксон.

Конаса тишки, кўз солганда толиб,
Огиз сувига рангин топса голиб.

Йўк эрса куссаким, кон келса софин,

Икисидур тахоратка манофий.

Яна кай уйлаким, бўлгай тўла фам,
Ва лекин дафъ бўлгай гайри балгам.

Жунуну хушсизлик, даги уйку,
Ки, бўлгай такяда нокисдурур бу.

Намоз ичра билик кулгу вукуъи,
Ки, бор анинг сужудию рукуъи...

Бу холатларки, мазкур ўлди бир-бир,
Берур барча вузуъ холига тағйир...

ГУСЛНИНГ ФАРОЙИЗИ

Нимаким, гусл килмакка эрур фарз,
Агар сен истимоъ этсанг, килай арз.

Огизга мазмаза килмок билгил,
Бурунга даги истиншок килгил.

Эрур бу икки бўлгач бебахона,
Бари аъзога сув килмок равона

Яна гусл ичра суннатлар даги бор,
Таомил айлагил то айлай изхор.

ГУСЛНИНГ СУННАТЛАРИ

Илик аввал ю(в)моглиг айла мафхум,
Пас, андин сўнг ю(в)моқдур узви маълум,

Баданда гар нажосат бўлса зохир,
Ани килмоқдурур су(в) бирла тохит).

Яна суннатдурур килмок вузуъ хам,
Ю(в)бон аъзо куюб уч катла су(в) хам.

ТАЯММУМ ФАРЗЛАРИ

Таяммум фарзи аввал бўлди ният,
Илик туфрокка урмак икки навбат.

Керактур бирни юз масхига билмак,
Яна не бирла масх эт кўл ва тирсак.

Таяммум ноқисин айлай ишорат,
Эрур хар неки нуқс этгай тахорат.

Иқинчи онча су(в)га дастрасдур,
Ким, ул су(в) бир вузуъ килмакка басдур.

НАМОЗ ФАРОИИЗИДА ОЛТИ ХОРИЖ ФАРЗНИНГ ШАРХИ

Намоз ичра фаройиз, эй хирадманд,
Ун икки нима айлабдур Худованд.

Намозингга алардин олти дохил,
Яна олтиси хориж келди хосил.

Бу олтидин бири килсанг ибодат,
Хадас бирла нажасдин бир тахорат.

Яна бир пок бўлмоқдур макон хам,
Яна авратни килмоқдур нихон хам.

Яна бир вақт билмак кеча-кундуз,
Яна бир қибла сори айламак юз.

Яна бир ният этмак бўлди билгил,
Намоз албатта, ният бирла килгил.

НАМОЗ ОЛТИ ДОХИЛИ ФАРЗИНИНГ БАЁНИ

Чу хориж олтини килдим аёнинг,
Қилай дохилни хам хотир нишонинг.

Эрур аввалгиси аввалги такбир,
Қиём ўлди намозингда яна бир.

Яна бирни яқин билгил кироат,
Яна бирдур рукуъ айларда тоат.

Сужуд ўлди бири, эй хилкатинг пок,
Яна бир қаъдаи охир кил идрок.

Қиши бу ерга истар бўлса маъни,
Ташаххудгача килмок макс яъни.

НАМОЗНИНГ ВОЖИБЛАРИ

Намозинг ичра вожиб келди етти,

Ки, сохиб шаръдин бу навъ етти.

Бурун «ал-хамд»ни килмок кироат,
Яна бир сура анга килмок изофат.

Яна тутмокдурур тартиб маръи,
Будур хожайи кавнайн шаръи.

Кироат айламак таъйин бирин бил,
Яна бир айламак арконга таъдил.

Бирин эл каъдаи аввал тааххуд,
Бири бу каъдадин сўнгра ташаххуд.

НАМОЗНИНГ ЎН СУННАТЛАРИ ВА ЎН КАВЛИСИ АДОСИ

Намоз ичра йигирма келди суннат,
Кишиким килса кўйдег жонга миннат.

Йигирмидин ўнини англа кавлий,
Яна ўнини феъли билмак авлий.

Бурун улки кавлийдур ани бил,
Яна феълийси сари майл килгил.

Ул ўндин бирини истифтох билгил,
«Аъзу» иш бандига мифтох билгил.

Яна бил тасмия, андин сўнг омин,
Кил андин сўнг «самиъ Оллоху» таъйин.

Учу тўртинчида йўк фотиха фарз,
Эрур суннат бу янглиг килдилар арз.

Рукуъ ва саждада хам икки такбир,
Ики тасбихга хам берма тагйир.

НАМОЗ СУННАТЛАРИДИН ЎН ФЕЪЛИСИ БАЁНИ

Яна феълий бировгаким, биликдур,
Кулоккача бийик килмок иликдур.

Ўнг илгинг сўлга кўймоктур яна сўз,
Яна сажда, ерга тикмогинг кўз.

Рукуъ ичра илик тизга килиб ёр,

Учани тутмок ул холатда хамвор.

Ики овуч не ерга бўлса мансуб,
Эрур сажда арода бошка матлуб.

Сужуд айларда пайдову нихондин,
Корин тиздан жудо тут, кўлни ёндин.

Яна сўл пошна устида ором,
Килмок кибла сори мойил ибхом.

Кеча-кундуз намозеким эрур фарз,
Эрур ўн етти ракъат уйлаким, карз.

НАМОЗ ФАРОЙИЗИ РАКАОТИ АДАДИ

Ики субху яна тўрт ўлди пешин,
Яна аср ичра бўлди тўрт таъйин.

Учу тўрт англа, магрибла ашода,
Вали кил витрни вожиб арода.

НАМОЗ СУННАТЛАРИНИНГ РАКАОТИ АДАДИ

Бировким, кеча-кундуз килса тоат,
Эрур суннат анга ўн икки ракъат.

Икирар ракъат ўлди субх ила шом,
Ул икки-тўрттар англа барча айём.

ИСЛОМНИНГ УЧУНЧИ РУКНИКИМ, ЗАКОТДУР, БАЁН КИЛМОК

Закот ўлди учунчи рукн билгил,
Нечукким, амр килмиш Тенгри килгил.

Киши сохибнисоб ўлгунча маъмур,
Эмаским, хак тутубтур ани маъзур.

Нисоб ўлса киши молига зохир,
Айирмок фарз келди киркдин бир.

Етурмагил ангаким, мустахикдур,
Бу ишга мустахик бўлгай мухикдур.

Бу сийм ахкомидур килмок тасаддук,
Яна ашёда мундок бил тахаккук.

Ки, хар турлук яна бўлса жихотинг,
Бахоси узра мундоқдур закотинг.

Мавошийга битубтурлар кавойид,
Ани ҳам яхши англа кўргузуб жид.

Яна жамъики, дерлар исми худдом,
Мукаррардур аларга даги ахком.

Вале эрмас кияр тўн ва минар от,
Яна ҳам ногузир ўлган мис олот.

Давоту хома ё авроку ажзо,
Бу дастур ўлса, бир, хар навъ ашё

Ки, онсиз бўлмагай матлуб хосил,
Закот ичра эмас ул шай дохил.

Вале дохили хаккуллох билгил,
Анинг имсокидин эъроз килгил.

Адосида балонинг раддин айла,
Яна килмок сабукбор ўзни тонгла.

ИСЛОМНИНГ ТЎРТУНЧИ РУКНИКИМ, РЎЗАДУР – ШАРХ ЭТМАК

Эрур тўртунчи (рукни) исломнинг савм,
Ки, ўтган кимсага такво била явм.

Чу рўза бўлди йилда бир ой,
Анинг ижросида бўл нафсфармой.

Ани бил субҳдин то шом чоғлик,
Таому шурбу шахватдин йироглик.

Эрур бу рўзада ният санга фарз,
Валекин неча авло айладим арз.

Навофилда валс ниятни килмок,
Санга жоиздурур туштин бурунрок.

Чибин ё пашшадек хар жинси хосил,
Эмас бўгзунгга кирса рўза ботил.

Тузу сирка тоторга ахли идрок,
Тенгурса тил учун эмас анга пок.

Яна улким, хижомат килсаю касд,
Гам эрмас, рўзага чун килмамиш касд.

Гар ўтмак тифл учун чайнар аноси,
Раводур гар яна йўктур гизоси.

Вале билмак керактур ани макрух,
Керак макрухдин хотирда андух.

Унутиб гар есанг, ичсанг эмас гам,
Эрур ул рўза бокий, эй мукаррам.

ФАВТ БЎЛГАН РУЗА ЭВАЗИ ВА КАФФОРАТИ

Агар бебоклик ойини туздук,
Гизонинг гайри бирла рўза буздук.

Гизо еб рўза улким, килса зойил,
Ва ё нафси бўлиб шахватга мойил.

Каффорат олтмиш мискинга итъом,
Эрур ё олтмиш кун савми ноком,

Ким, ул кунларнинг ўлгай иттисоли,
Йўк эрса солим эрмас рўза холи.

Ва ё бир банданинг кўнглин килиб шод,
Анга Тенгри йўлинда килмок озод.

ИСЛОМНИНГ БЕШИНЧИ РУКНИКИМ, ХАЖДУР, БАЁН КИЛМОК

Бешинчи рукн билгил хажжи ислом,
Чу фарз ўлди адоси келди ноком.

Вале фарзиятида шартлар бор,
Кулок тутким, килай борини изхор.

Биров улким, иститоат бўлса мавжуд,
Анга тенгруки, килдинг ани максуд.

Яна бир шарт йўл амнияти бил,
Бу чун мавжуд ўлур хаж нияти кил.

Яна гар дайн йўк бўйнунгга лозим,
Санга бўлмок бўлур ул йўлга озим.

Яна гар йўк аёлингдин маунат,
Ки, ул кўргай маош учун суубат.

Яна гар бермади жисмингда сонёъ,
Мараз андоки, бўлгай йўлга монёъ.

Бу махзурот гар йўк тебра филхол,
Ўзунгу дўст кўйи тавкига сол.

Неким фарз ўлди бўйнунгда адо кил,
Етиб максадка комингни раво кил.

ХОТИМА ВА КИТОБ ТУГАНЧИНИНГ ТАКРИРИ

Манга бу нукталарким, бўлди тахрир,
Килай итмоми тақрибини тақрир.

Агарчи хутбаву фихрастида бор,
Вале ул ахддин гардуни даввор.

Басе ошуфталиглар килди ходис,
Ки, итмомига маълум ўлди боис.

Тўкиз юз бешда бир фархунда фарзанд,
Адаб бирла тавозуъдин баруманд,

Ки, мажлис ичра хозир эрди бир кун,
Масойил бахси эрди тилга макрун.

Чу анда кобилият зохир эрди,
Кўнгул бу назмга тартиб берди,

Ки шояд анга нафъи хосил ўлгай,
Кўп элга хам бу маъни восил ўлгай.

Сабаб бу ишни килди даври айём,
Топорга бу китоб огози анжом.

Чу равшан айлар ислом ахли зотин:
«Сирож ул-муслимин» кўймишмен отин.

Умидим улки, харким ўкугай,
Мунунг нури била кўнгли ёругай.

Дуо бирла мени хам айлагай ёд,
Равоним ул дуодин айлагай шод.